

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ****646 Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий  
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат  
бюджети параметрлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, мақсадли давлат жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2015 йил 11 ноябрдаги 276–III-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, мақсадли давлат жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2015 йил 3 декабрдаги ПС–61–III-сонли қарорларини бажариш юзасидан:

**1. Қўйидагилар:**

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Республика йўл жамғармасининг, бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг, Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2016 йилги асосий параметрлари 3 — 7-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2016 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағларининг 2016 йил бошидаги бўш

---

\* 1 — 7-иловалар берилмайди.

қолдиқлари ва бошқа кадрсизланмайдиган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. 2016 йил учун:

юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкалари 8-иловага\* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 9-иловага\* мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 10-1, 10-2 ва 10-3-иловаларга\* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 11-иловага\* мувофиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 12-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдорида;

қўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорида;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 13-1 ва 13-2-иловаларда\* келтирилган рўйхатга мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага\* мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 15-иловага\* мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижоратбоп топилма бонуси ставкалари 16-1 ва 16-2-иловаларга\* мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкалари 17-иловага\* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 18 ва 19-иловаларга\* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари 20-иловага\* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 21-иловага\* мувофиқ;

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 22-иловага\* мувофиқ;

23-иловага\* мувофиқ белгиланган солиққа тортиш объектларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,6 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,4 фоиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдорида;

---

\* 8 — 23-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари 24-иловага\* мувофиқ;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25-иловадаги\* нормативларга мувофиқ;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 7,5 фоиз миқдориди тасдиқлансин.

4. Ягона солиқ тўловларидан келадиган тушумлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланади.

5. Белгилансинки, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ солиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин:

юридик шахслар учун — давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун — 26-иловага\* мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

6. 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб:

«Ўзтрансгаз» АК томонидан автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларига (балансида автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари мавжуд юридик шахсларни ўз ичига олган ҳолда) сотадиган табиий газнинг улгуржи-сотиш нархига солиққа тортилмайдиган махсус инвестициявий қўшимча ҳақи бир кубометрига 500 сўм миқдориди;

мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи, маблағларни 27-иловага\* мувофиқ тақсимлаган ҳолда, ойига 1500 сўм миқдориди белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, импорт қилинган углеводород хом ашёсидан хом ашё эгасига қайтариб бериш шarti асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғисининг ҳажмлари, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газдан фойдаланганлик солиғига тортиш объектига киритилади.

7. Қарзни ундиришни солиқ тўловчилар мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари 28-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Минтақаларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети-

---

\* 24 — 28-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

даги улушини кўпайтириш учун куйидаги умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадлар бўйича тушумлар:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

11-иловада назарда тутилган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

12-иловада назарда тутилган якка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;

чакана савдо тармоқларида сотиладиган олтиндан ясалган заргарлик буюмларига акциз солиғи;

29-иловага\* мувофиқ давлат божлари, йиғимлар ва жарималар тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари даромадларига ўтказилсин.

Белгилансинки, мобиль алоқа хизматини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми, абонентнинг рўйхатга олинган жойига қараб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

13. 2016 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджет субвенцияларининг чекланган миқдорлари 30-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 31-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 32-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

14. 2016 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига захира жамғармалари миқдорлари 33-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган 2016 йилги тўлов миқдорлари 34-иловага\*\*\* мувофиқ белгилансин.

\* 29-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 30 — 33-иловалар берилмайди.

\*\*\* 34-илова рус тилидаги матнда берилган.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сонли қарори 24-бандининг амал қилиши 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармаларини қўйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,3 фоиз бўлгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 36 184,9 млрд сўм, харажатлари 36 725,0 млрд сўм миқдориди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 12 419,0 млрд сўм ва харажатлари 12 996,0 млрд сўм миқдориди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг даромадлари 2 218,8 млрд сўм ва харажатлари 2 238,8 млрд сўм миқдориди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлигининг Ғазначилик бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2016 йилнинг январь ойида, ўтказилган операцияларни 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда, 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси бўйича, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, яқуний операциялар ўтказсинлар.

18. 2016 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 35-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2016 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 36-иловасига мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 22 декабрь,  
ПҚ-2455-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги  
ПҚ-2455-сон қарорига  
35-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг 2016 йил 1 январдан ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 29 апрелдаги 166-сон қарорининг 7-банди.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 73-модда).
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2009 йил 17 июндаги 168-сон қарорига 1-илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 49-модда).

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги  
ПҚ-2455-сон қарорига  
36-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2016 йилнинг  
1 январидан бошлаб киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарори билан тасдиқланган Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда республика корхоналари учун пахта толасини сотишда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, пахта толасига тасдиқланган прејскурант нархларидан паст бўлган жаҳон нархлари амал қилган даврларда пахта тозалаш заводлари қўшилган қиймат солиғини: чегирмани ҳисобга олган ҳолда жаҳон нархи х 20/120 формуласи бўйича 15 фоиз миқдордаги чегирмани ҳисобга олиб, хомашё етказиб берилган куни амалда таркиб топган жаҳон нархларига асослаиб ҳисоблаб чиқаришади.»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадлари шаклланиши ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Жамғарманинг валюта маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга сарфланади:

«Ўзавтойўл» ДАК ва унинг ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотларининг умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва қараб туриш учун хорижий йўл техникаси, ускуналар, технологиялар ва материалларни харид қилиш бўйича сарф-харажатларини молиялаштиришга;

«Ўзавтойўл» ДАК, унинг бўлинмалари ва Жамғарма учун малакали кадрларни хорижда ёки хорижий мутахассисларни республикага таклиф этган ҳолда тайёрлаш харажатларига;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун Жамғарма томонидан жалб этилган хорижий қарзларни тўлашга;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда

хорижий валютани миллий валютага конвертация қилиш йўли билан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштиришга.».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПҚ–1050-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «2016 йилнинг 1 январигача» сўзлари «2018 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ–1169-сон қарори 1-илласида:

1) 02-товар гуруҳи қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

0210 99 390 0	Музлатилган қийма, тузланган	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
---------------	------------------------------	---

2) 34-товар гуруҳида:

учинчи сатрдан кейин қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

3401 11 000 9	Чорқирра брусок, бўлак шаклидаги ёки шакл берилган маҳсулот кўринишидаги ташқи фаол органик пардоз-андоз моддалари ва воситалари ҳамда совун ёки ювиш воситаси билан қопланган ёки шимдирилган қоғоз, момик, кигиз ёки наматсимон мато ва нотўқима материаллар:	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
---------------	---	---

тўртинчи ва бешинчи сатрлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3401 19 000 0	Чорқирра брусок, бўлак шаклидаги ёки шакл берилган маҳсулот кўринишидаги совун ва ташқи фаол органик моддалар ва воситалар ҳамда совун ёки ювиш воситаси билан қопланган ёки шимдирилган қоғоз, момик, кигиз ёки наматсимон мато ва нотўқима материаллар, пардоз-андоз воситаларидан ташқари:	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
3401 20 900 0	Чорқирра брусок, бўлак шаклидаги ёки шакл берилган маҳсулот, ёрма, вафли, гранула ёки кукунлар кўринишидаги совунлардан ташқари, шакл берилган совунлар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг

олтинчи — тўққизинчи сатрлар тегишли равишда еттинчи — ўнинчи сатрлар деб ҳисоблансин;

3) 35-товарлар гуруҳида:

тўртинчи сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3506 10 000 0	соф оғирлиги 1 кг дан ошмаган, елим ёки бирикиш хусусиятига эга воситалар сифатида чакана савдо учун қадоқланган елим ёки бирикиш хусусиятига эга воситалар сифатида ишлатиш учун яроқли маҳсулотлар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
---------------	--	---



қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

3506 99 000 0	чакана савдо учун қадоқланмаган ёки соф оғирлиги 1 кг дан ортиқ бўлган тайёр елимлар ва бошқа тайёр бириктиш хусусиятига эга воситалар, 3901 — 3913 товар позицияларига мансуб полимерлар асосидаги бириктиш хусусиятига эга воситалар ёки каучукдан ташқари	30, лекин камида 2,5 АҚШ доллари / кг
---------------	--	---------------------------------------

4) 39-товар гуруҳида:

ўн олтинчи — ўн саккизинчи сатрлар бир сатрга бирлаштирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3920 10 230 0, 3920 10 240 0, 3920 10 250 0, 3920 10 280 0, 3920 10 400 0, 3920 10 890 0	нам листлар кўринишидаги синтетик қоғоз массасидан ташқари намлатиш агенти сифатида сувда эритилган поливинил спирти мавжуд бўлган 15 фоиздан ошмаган миқдорда целлюлоза толалари билан аралаштирилган ёки аралаштирилмаган юпқа тармоқланган боғланмаган полиэтилен фибриллдан олинган ғовак бўлмаган ва арматураланмаган, қатқат бўлмаган, ясалмаган ва ўхшаш усулда бошқа материаллар билан боғланмаган этилен полимерларидан таркиб топган плита, лист, плёнка ва тасмалар ёки ленталар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
---	---	-------------------------------------

ийгирманчи сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3920 10 290 0	биаксиал мўлжалланганлардан ташқари 0,10 мм дан қалин бўлмаган, ясама бўлмаган, ғовакланмаган ва арматураланмаган, қатламланмаган, бошқа материаллар билан ўхшаш усулларда жипслаштирилмаган пропилен полимерларидан тайёрланган плита, лист, плёнка ва тасмалар ёки ленталар, бошқалар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
---------------	---	-------------------------------------

5) 48-товар гуруҳида:

ўн биринчи сатрдан кейин қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

4818 20 100 0	қоғоз массаси, қоғоз, целлюлоза пахтаси ёки целлюлоза толали полотнолардан тайёрланган дастрўмоллар ва косметик салфеткалар ёки юз салфеткалари	30, лекин камида 0,4 АҚШ доллари / кг
---------------	---	---------------------------------------

ўн иккинчи — ўн тўртинчи сатрлар тегишли равишда ўн учинчи — ўн бешинчи сатрлар деб ҳисоблансин;

6) 60-товар гуруҳида:

саккизинчи сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6006 34 900 0	синтетик иплардан тайёрланган трикотаж полотнолари, бошқалар, босиб чиқарилганлари, тюль пардалар учун полотноларни ҳисобга олган ҳолда дераза пардаларидан ташқари	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
---------------	---	-------------------------------------

7) 69-товар гуруҳида:

иккинчи сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6901 00 000 0, 6904 — 6905, 6907, 6910 — 6914	Ғишт, блок, плиткалар, иморатбоп ғиштлар, черепица; кўчага ётқизишга мўлжалланган плиталар; сирланмаган ва сирланган; раковиналар; чинни ва бошқа материаллардан ошхона идиш-товоқлари, ҳайкалча-лар ва бошқа сопол буюмлар, бундан ташқари:	30
--	--	----

бешинчи — еттинчи сатрлар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи сатрдан кейин қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

6908	Кўчага ётқизишга мўлжалланган плиталар; полга ётқизиладиган, печларга, каминлар ёки деворлар учун керамик сирланган плиткалар; мозаика ишлари учун керамик сирланган кубиклар ва унинг асосида ёки усиз шунга ўхшаш маҳсулотлар	30, лекин камида 1,2 АҚШ доллари / кв. м
------	---	--

8) 73-товар гуруҳида:

ўн иккинчи — ўн тўртинчи сатрлар қуйидаги мазмундаги саккиз сатр кўринишида баён этилсин:

7318 11 000 0	Қора металлдан тайёрланган катта винтлар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
7318 12	Тахта-ёғоч учун шуруплар ва бошқалар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
7318 14	Тайёр резьбали винтлар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
7318 15 100 0	Ўзаги 6 мм дан йўғон бўлмаган, сим чивикдан, профиль ёки кўндаланг кесими яхлит симдан, қора металлдан тайёрланган винтлар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
7318 15 300 1, 7318 15 300 9, 7318 15 410 0, 7318 15 490 0	Қора металлдан тайёрланган винтлар ва болтлар ва бошқалар, гайкалар ёки шайбалар билан тўплам ҳолида ёки уларсиз, қалпоқли	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
7318 15 510 0, 7318 15 590 0	Қалпоқли винт ва болтлар, гайка ёки шайба билан тўплам ҳолида ёки уларсиз, қора металлдан тайёрланган, хоч кўринишидаги шлицли винтлар ва бошқалар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
7318 15 610 0, 7318 15 690 0	Қалпоқли винт ва болтлар, гайка ёки шайба билан тўплам ҳолида ёки уларсиз, қора металлдан тайёрланган ички олти бурчакли кўринишдаги винтлар ва бошқалар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг
7318 19 000 9	авиация двигателларини ишлаб чиқариш учун катта винт, шуруп, крюк, бураб ўрнатиладиган ҳалқалар, болтлар, гайкалардан ташқари қора металлдан тайёрланган резьбали буюмлар	30, лекин камида 1 АҚШ доллари / кг

ўн бешинчи — йигирманчи сатрлар тегишли равишда йигирманчи — йигирма бешинчи сатрлар деб ҳисоблансин;

9) 84-товар гуруҳида:

олтмиш бешинчи сатрдан кейин қуйидаги мазмундаги сатрлар билан тўлдирилсин:

8450 19 000 0	Тўлиқ автоматлаштирилган кир ювиш машиналари ва ички жойлаштирилган марказдан қочма ҳаракат қилувчи сиқиш ускунасига эга бўлган кир ювиш машиналаридан ташқари, 10 кг дан ошмаган қуруқ кир-чир жойлаштирилиши мумкин бўлган сиғимга эга, маиший ёки кир ювиш хоналари учун мўлжалланган, шу жумладан сиқиш ускунаси билан жиҳозланган кир ювиш машиналари	30, лекин камида 30 АҚШ доллари / дона
---------------	--	--

олтмиш олтинчи — саксон иккинчи сатрлар тегишли равишда олтмиш еттинчи — саксон учинчи сатрлар деб ҳисоблансин;

10) 87-товар гуруҳида:

қирқ иккинчи ва қирқ учинчи сатрлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

8712 00	Двигателга эга бўлмаган икки ғилдиракли ва бошқа велосипедлар (юкларни етказиб бериш учун мўлжалланган уч ғилдиракли велосипедлар ҳам)	10, лекин камида 30 АҚШ доллари / дона
8713*, 8714 (8714 20 000 0* дан ташқари)	Ҳаракатлана олмайдиган одамлар учун аравачалар. 8711 — 8713 товар позицияларидаги транспорт воситаларининг қисмлари ва жиҳозлари	10

11) 94-товар гуруҳида:

ўн олтинчи сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

9405 10 210 9, 9405 10 400 9, 9405 10 500 9, 9405 10 910 9, 9405 10 980 9	Очиқ жамоат жойларини ёки транспорт магистралларини ёритиш учун ишлатиладиган кўринишдаги ёритиш ускуналаридан ташқари, осма ёки деворга ўрнатиладиган қандиллар ва бошқа электр ёритиш ускуналари	30, лекин камида 1,5 АҚШ доллари / кг
---	--	---------------------------------------

ўн олтинчи сатрдан кейин қуйидаги мазмундаги сатр билан тўлдирилсин:

9405 40 100 9, 9405 40 310 9, 9405 40 350 9, 9405 40 390 9, 9405 40 910 9, 9405 40 950 9, 9405 40 990 9	Электр лампалар ва ёритиш ускуналари, бошқалар	30, лекин камида 1,5 АҚШ доллари / кг
---	--	---------------------------------------

ўн еттинчи сатр тегишли равишда ўн саккизинчи сатр деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПҚ–1292-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Қорақалпо-

ғистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмаларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш;».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон қарорининг 30-иловасидаги эслатмадан «ва тарбияланувчиларнинг бир мартаба овқатланишини ташкил қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 28 мартдаги ПҚ–1512-сон қарори 1-бандининг:

биринчи хатбошидаги «2016 йил 1 январгача» сўзлар «2018 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «80 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳажмдаги ўзининг маҳсулотини, шу жумладан ярим тайёр маҳсулотлар (калава ип, газламалар, трикотаж полотно ва пахта йиғириш чиқиндилари)ни эркин айирбошланадиган валютага сотувчи» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ–1633-сон қарорининг 11-бандидаги «2016 йил 1 январгача» сўзлар «2019 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ–1836-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «30» рақами «20» рақамига алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 6 ноябрдаги ПҚ–1849-сон қарорининг 9-банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. «Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш даврида:

лойиҳани амалга ошириш доирасида Ислом тараққиёт банкининг молиявий маблағлари ҳисобидан олиб келинаётган ва харид қилинаётган товар (иш ва хизмат)лар, ускуналар ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғи ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олиб келинаётган ва харид қилинаётган товар

(иш ва хизмат)лар, ускуналар ва транспорт воситалари қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод этилсин.».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон қарорининг 35-илоvasи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Болаларни болалар мусиқа ва санъат мактабларида  
ўқитиш учун ота-оналардан олинадиган тўлов  
МИҚДОРЛАРИ**

<b>Болалар мусиқа ва санъат мактабининг жойлашуви</b>	<b>Йил бошида энг кам иш ҳақи миқдорига % ҳисобида</b>
<b>Мусиқа йўналишлари бўйича</b>	
Тошкент шаҳри	75
вилоятлар марказлари	50
Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган аҳоли пунктлари	30
<b>Санъат йўналишлари бўйича</b>	
Тошкент шаҳри	50
вилоятлар марказлари	30
Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган аҳоли пунктлари	20

Эслатма:

1. Мусиқа ва санъат соҳасида болаларнинг таълим олиши учун қулай шароит яратиш мақсадида бир календарь йил мобайнида мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича халқаро (1 — 3-ўринлар) ва республика (1-ўрин) танловларида ғолиб бўлган болаларни ҳамда кам таъминланган оилалардан бўлган болаларни ўқитиш, ўқувчилар умумий контингентининг 25%дан ошмайдиган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

2. Агарда бир оиланинг 2 ва ундан ортиқ фарзанди болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиса, улардан ҳар бирининг ўқиши учун белгиланган тўловнинг 70% миқдоридан тўлов амалга оширилади.

3. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари таъминоти учун сарф-харажатларни молиялаштириш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ягона ижтимоий тўловдан ташқари) ота-оналар тўлайдиган маблағлар ҳисобидан, етишмаётган қисми эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дасту-

ри тўғрисида» 2015 йил 5 майдаги ПҚ–2343-сон қарорининг 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларини шакллантириш вақтида, мазкур қарор билан маъқулланган чора-тадбирлар Дастурини бажариш учун бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида, улар учун харажатларнинг IV гуруҳи бўйича ажратиладиган бюджет маблағлари хажмининг 5%и дан ошмайдиган миқдорда маблағ ажратишни назарда тутсин.»

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қумуш буюмлар ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этиш тўғрисида» 1993 йил 25 мартдаги 158-сон қарорининг 11-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 июлдаги 363-сон қарорининг 20-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 49-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тартибининг 15-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«15. Металл парчалари топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш пул маблағлари билан амалга оширилади.

Бунда металл парчалари топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилишни улар топширган металл парчалари суммасига тенг миқдорда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот билан амалга оширишга рухсат этилади (бюджет ташкилотлари бундан мустасно)».

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш Тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) 4-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими ни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармонига мувофиқ тиббиёт муассасаларига берилган солиқ имтиёзлари натижасида бўшаб қоладиган маблағлар тиббиёт муассасасини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан бир қаторда, тиббиёт мақсадидаги эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари ва бошқа буюмларни сотиб олишга йўналтирилиши мумкин».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушум-

ни мажбурий сотиш тартибига 1-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Микрофирма ва кичик корхоналар томонидан  
экспорт қилишдан тушган хорижий валютани сотиш  
мажбурий бўлган товарлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи	ТН ТИФ коди
1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ёввойи ўсимликлар*	0701 — 0709, 0714, 0801 — 0803 10 100 0, 0803 90 100 0, 0804 10 000 1, 0804 20 100 0, 0804 30 000 1, 0804 40 000 0 — 0804 50 000 1, 0805, 0806 10, 0807 — 0810, 12
2.	Табиий газ	2711 21**
3.	Мис ва мисдан тайёрланган буюмлар	74, 8544

\* Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва ёввойи ўсимликларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 25 фоизи сотилиши мажбурий;

\*\* Шу жумладан транзит».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 19-сон, 182-модда) билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясидаги «Кичик корхоналар» устуни 427-сатри, «11 — 25» рақамлари «11 — 50» рақамлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда) 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «юқори ликвидли товарларни» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси» очиқ акциядорлик жамияти учун фойда солиғини ҳисоблашда харажатлар билан чегириладиган» сўзлари қўшилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги низомда:

а) 26-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«26. Махсус мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабгача таълимни, тиббий хизмат кўрсатишни бепул олиш;

Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган махсус мактабгача муассаса учун санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ озик-овқат билан таъминланиш;

турли тадбирларда қатнашиш».

б) 34-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган болалар мактабгача муассасаларида болалар таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган отоналар тўлови (кейинги ўринларда ота-оналар тўлови деб аталади);

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«ота-она тўлови ундирилмайдиган болаларнинг жисмоний ёки ақлий ривожланишидаги нуқсонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан аниқланади».

в) 38-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига» сўзлари чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Тараққиёт учун озиқ-овқат» дастури доирасида республика қишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиали лабораториясини жиҳозлаш лойиҳаларини молиялаштириш тўғрисида» 2012 йил 16 апрелдаги 110-сон қарори иловасига қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: лойиҳаларни молиялаштириш муддатлари қурилиш ишларининг тугалланишига ва давлат қабул комиссияси далолатномаларининг расмийлаштирилишига кўра аниқланади».

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 8-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 88<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«88<sup>1</sup>. Олий таълим муассасаси ва Институтдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларининг тасдиқланган жадвалига киритилган ва юборилган тингловчиларининг уларни асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитишнинг бутун даврида асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

Асосий ишдан ажралган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларига тасдиқланган жадвалга мувофиқ бошқа ҳудудлардан юборилган тингловчиларнинг ўқиш жойига келиш ва у ердан қайтиш бўйича бир марталик йўл харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни юборган томон ҳисобига қопланади».

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон қарори 6-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бош илмий-методик, минтакавий ва тармоқ марказларига асосий ишдан ажралган ҳолда қайта тайёрлашга ва малака оширишга тасдиқланган жадвалга мувофиқ бошқа ҳудудлардан юборилган тингловчиларнинг ўқиш жойига келиш ва у ердан қайтиш бўйича бир марталик йўл харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни юборган томон ҳисобига қопланади».

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 4-бандининг учинчи хатбошидаги «30» рақами «20» рақами билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 88-модда) билан тасдиқланган Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомнинг 105-бандида:

биринчи хатбошидаги «ўқишга» сўзи «малака оширишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ўқиш учун» сўзлари «малака ошириш учун» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида низомнинг 21-бандидаги «Қайта тайёрлаш» сўзларидан олдин «Жадвалга киритилган ва» сўзлари қўшилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 9 декабрдаги 354-сон қарорида:

а) 1-иловада:

41 ва 42-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«41. Давлат божи лицензия талабгорлари томонидан лицензияловчи органининг махсус ҳисоб рақамига тўланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

30 фоизи — республика бюджетига;

70 фоизи — Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамига.

Давлат божи ставкалари ўзгарганда тўланиши лозим бўлган давлат божи лицензиянинг ставкалар ўзгаргандан кейинги амал қилиш даври учун қайта ҳисоблаб чиқилади.

Давлат божи лицензия берилган муддат мобайнида ҳам бир йўла ва ҳам чораклар бўйича тўланиши мумкин.

Лицензиат илгари давлат божи тўланган давр тамом бўлган пайтдан бошлаб уч ой мобайнида навбатдаги давр учун давлат божи тўламаган тақдирда лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш чора-

ларини кўради, айни пайтда лицензия амал қилишининг барча даври учун тўланмаган давлат божини белгиланган тартибда ундириб олади.

Лицензия берилган санадан бир йил ўтмасдан лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёки лицензия бекор қилинганда давлат божи бир йиллик миқдорда ундирилади.

42. Давлат божини чораклар бўйича тўлашда лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёки лицензия бекор қилинганда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

Давлат божи бир йўла тўланганда ортиқча тўланган давлат божи суммасини қайтариш лицензиатнинг ёзма аризаси асосида тўловни қайтариш тўғрисидаги ариза берилган санадан бошлаб ўттиз иш куни мобайнида амалга оширилади. Лицензия берилган санадан бир йил ўтмасдан лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёки лицензия бекор қилинганда давлат божининг ортиқча тўланган суммасини қайтариш унинг бир йиллик миқдоридан ошган қисми бўйича амалга оширилади»;

б) 2-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш  
ҳуқуқи учун давлат божи  
СТАВКАЛАРИ**

Т/р	Концерт-томоша фаолияти, шу жумладан:	Жисмоний ва юридик шахслар учун давлат божи ставкалари* (бир жисмоний шахс ҳисобига йиллик бож миқдори, энг кам ойлик иш ҳақи баравари миқдорида)					
		рейтинг гуруҳлари бўйича					
		I	II	III	IV**	V	VI
I	яккаҳон ижрочи концерти (бир яккаҳон ижрочининг концерт дастури); битта жанрнинг икки ёки ундан кўп ижрочиси иштирокидаги концерт дастури; турли жанрларнинг бир нечта ижрочилари иштирокидаги концерт дастури (солист, созанда, раққоса, бошловчи, қизиқчи ва бошқалар); оммавий ахборот воситаларида қўшиқлар ва видеоклипларни тақдим этиш.	195	98	65	40		
	ресторанлар, барлар, қаҳвахоналар ва хусусий уйларда юбилей тантаналарига хизмат кўрсатиш; ресторанлар, барлар, қаҳвахоналар ва хусусий уйларда тўйлар (никоҳни қайд этиш, ош бериш, кеч-курунги никоҳ тўйи, «келин салом»), «суннат тўйи» тадбирларига хизмат кўрсатиш; ҳордиқ чиқариш муассасалари, клублар, дискотекалар, ресторанлар, барлар ва қаҳвахоналарда хизмат кўрсатиш (солист, созанда, раққоса, бошловчи, қизиқчи, диджей-овоз оператори, маъмур ва бошқалар).					26	13

Изоҳлар:

\* Давлат божи (шу жумладан, чораклар бўйича бўлиб-бўлиб тўланганда — давлат божининг тегишли қисми) миқдорлари тўлов кундаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

\*\* IV рейтинг гуруҳига киритилган ва таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда биринчи марта лицензия олаётган ижрочилар ушбу таълим муассасасида таълим олиш даврида (тегишли тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда), бироқ лицензия берилган санадан бошлаб кўпи билан бир йил мобайнида давлат божи тўламайди.».